


Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик шодонара арафасида йирик туҳфа — Ўзбекистон миллий энциклопедиясини нашр этиш ишлари ниҳоясига етди. Қомусимизнинг дастлабки жилда нашрдан чиққан 2000 йилда давлатимиз раҳбари: «Энциклопедиянинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетакдор маданияти, улуг мутафаккир ва аломаларимизнинг умумбашарият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртининг ўзига хос ва унамо соҳибқиссини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлиши мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишидир», дея таъкидлаган эди. Бу муқаддас вазифанинг бажарилиши йўлида мамлакатимиз олимлари, маданият намояндлари, турли касб мутахассисларининг кўп йиллик изчил фаолияти самарали яқинлашди. Кўп жиллик нафис асосан Ўзбекистон халқлари, уларнинг ўтмиши, ҳозирги шукроналарга муносиб фаровон ҳаёти ва келажикга тўғрисида аниқ маълумотлардан иборат мақолалар ўрин олган. Охириги 12-жилди эса Ўзбекистон Республикасига бағишланган. Айна вақтда қомус умумбашарият воқеалар, турли мамлакатлар, миллат ва элатлар тўғрисида ҳам энг зарур маълумотларни беради.

Xushxabar

МУНОСИБ ТУҲФА



Миллий қомусимизни тайёрлашда жонбозлик кўрсатган муаллифлар тарихий катта, жумладан, унинг фақат биринчи жилдида 500 нафарга яқин турли соҳа билимдонлари иштирок этишган. Матнларнинг ҳаққоний ва аниқлигида бўлишини таъминлаган муаллифлар, мунаххидлар, муҳаррирлар, мусаххилар, ҳаттолар, мусаввирлар, харф терувчи, саҳифаловчи, безакчи

каби касб эгалари қомуснинг ҳар бир жилди, ҳар бир вақти ва нуқсаси буюк ҳисобга бўлишига иштирокчилар. Ҳар бир қомусий мақолани ўқиб ҳузур ва гурур бағишлайди. Шунингдек, илмийлиги, содда ва раво тилда баён этилгани билан ажралаб туради. Мен, ҳуқуқшунослигим боис ўзМЭ саҳифаларида 800 дан зиёд мақолалар давлат ва ҳуқуққа оид эканини, уларда давлат бошқаруви, қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ идораларининг фаолияти, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид мақолалар кенг жой олганини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиман. Юртимизда устувор бўлган адолат, инсонпарварлик, барқарор ҳамжихатлик ўз ифодасини топган. Иجتимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тобора эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёни кенг ёритиб берилган. Ана шу масъулиятли ва машаққатли вазифани адо этишда, айниқса, академик Х.Раҳмонқуллов, юридик фанлари докторлари А.Азизхўжаев, А.Саидов, Х.Бобоёв, М.Рустамбоев, И.Зокоров, А.Турсунов, М.Файзиев, Х.Одильқориев, Б.Саломов, Й.Жўраев ва бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг ҳиссаси сезиларли. Ҳуқуқшуносликка оид атамаларнинг тўғри ва бир мазмунли ифода этилишига эришиш борасида ҳануз учрайдиган хатолар барҳам топиши учун ҳам ўзМЭ катта имкониятлар яратиб берди.

Хуллас, байрамаона кайфиятимизга яна бир хушхуллик келтирган ўзМЭнинг салоҳияти ва аҳамияти сезилди. У жаҳоннинг нуфузли қомуслари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун рус ва инглиз тилларида, «Ўзбекистон Республикаси» номида 12-жилди эса кенг қўлланма оммага, шу жумладан, умумтаълим мактаб ўқувчиларига лотин алифбосида ҳам нашр этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Фафур АБДУМАЖИДОВ, юридик фанлари доктори

E'tirof
ФАҲР ТУЙҒУСИ

Мустақилликнинг энг улуг неъматидир, бу шубҳасиз, инсон ўз қадр-қимматини тоғнадидадир. Шу йиллар давомида ўтказилган барча иجتимоий-иқтисодий ислохотлар инсон манфаатига, инсонга гамхўрлик масалаларига йўналтирилди. Президентимизнинг томонидан ҳар йилнинг номлаши ва ҳар бир йил учун қабул қилинган давлат дастурлари юқоридаги фикримни исботлаб турибди. Шу йўлда ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган давлат дастурларида мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга энг кўп маблағ ажратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўтиш керак. 2005 йилни «Сихат-саломатлик» ва 2006 йилни эса «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларимизга бўлган гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. «Сихат-саломатлик» йилида икки тиббиёт институтилари замирида Тошкент Тиббиёт Академиясининг ташкил этилиши мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт илмининг ривожлантириши янги бошқича олиб чиқди. Тошкент Тиббиёт Академияси малакали, юқори савия-

Istiqol va imkoniyat
АМНИСТИЯ —
БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

1997 йил 3 декабрь
Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Фармонида уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар, воёга етмаган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек, эҳтиёсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар муддатидан илгари жазодан озод қилиниши кўзда тутилган ҳамда бошқа айрим тоифадаги маҳкумлар учун ҳам қатор энгилликлар берилиши белгиланди.

1998 йил 1 декабрь
«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонида кура, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар, 60 дан ошган аёллар, воёга етмаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганлар, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатидан камид тўртдан бир қисмини ўтган, эҳтиёсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатидан камид ярмини ўтаган шахслар жазодан муддатидан илгари озод этилди. Шунингдек, иجتимоий ҳаффи катта бўлмаган, жазолар тайинлаш назарда тутилмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишларни тўғатиш, айрим тоифадаги маҳкумлар учун ҳам қатор илгари, айримлари учун эса тўртдан бир қисмига қисқартирилиши кайд этилди.

1999 йил 30 апрель
«9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармони билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этганлар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар, воёга етмаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари ва бошқа бир неча тоифага мансуб маҳкумлар озодликка чиқарилиди. Яна бир эътиборли томони шундаки, Фармонда биринчи марта 6 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатидан камид тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар, биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатидан камид ярмини ўтаган шахсларнинг ҳам озод этилиши кайд этилди ва бошқа бир неча тоифадаги маҳкумларга нисбатан қатор энгилликлар яратилди.

2000 йил 28 август
«Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармони билан, озодликка чиқариладиган маҳкумлар орасида, жумладан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашганлар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар, воёга етмаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, чет эл фуқаролари, уч йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек, эҳтиёсизлик оқибатида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар ва бошқа тоифадаги маҳкумлар бор. Шунингдек, жиноят кодексининг бошқа моддалари билан айбонлиқ, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган айрим маҳкумларга ҳам бир қатор энгилликлар берилди.

2000 йил 6 сентябрь
«Террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларининг жиноий жавобгарлиқдан озод этилиши тўғрисида»ги Президент Фармони қалъимизда азалдан хос бўлган кеңирилик ва инсонпарварликнинг чинакам намунаси бўлди. Бу амнистия тўғри йўлдан адашиб, террорчи гуруҳлар орасига кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаганларга нисбатан қўлланилди. Ушбу Фармонда турли экстремистик оқимлар таъсирида чет элларга кетиб, ўз қилишлардан пушаймон бўлиб, бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарлиқдан озод этилиши таъкидланди.

2001 йил 22 август
«Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонида биринчи марта аёллар, воёга етмаган ёшда жиноят содир этганлар, ногирон ва оғир касалликка чалинганлар, оғир ва ўта оғир жиноятлари содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаролари ҳамда бошқа тоифадаги бир қатор маҳкумлар озодликка чиқарилиши кайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бошқа айрим моддалари билан жазога маҳкум этилган шахсларга нисбатан бир қатор энгилликлар берилди.

2002 йил 3 декабрь
«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонида аёллар, воёга етмаган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 60 ёшдан ошган эркаклар, биринчи марта судланган чет эл фуқаролари, эҳтиёсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, иқтисодий ва ҳужалик фаолияти соҳасида жиноят содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қолган шахслар озод этилиши кайд қилинган. Мазкур Фармонда, жумладан, экстремистик ташиклотлар фаолиятида иштироки, улар тарқибидида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилишлар содир этганлиги учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар ҳам жазодан озод этилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жазога тортилган айрим шахсларнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

2002 йил 26 сентябрь
«Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазо ўташ шартларини либераллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармонида асосан, уна оғир бўлмаган жиноят содир этганлар — умумий тартибни жазони ижро этиш колонияларидан манзил-қонияларига, ўта оғир жиноят содир этганлар — қаттиқ тартибни қониялардан умумий тартибни қонияларга ўтказилди. Натигада уна оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларини деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлди.

2003 йил 1 декабрь
«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонида биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 60 ёшга тулган эркаклар, оғир касалликка чалинган шахслар, жиноят содир қилганга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилганда сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари озод этилиши кўзда тутилди. Шунингдек, эҳтиёсизлик оқибатида жиноят содир этганлар ва иجتимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки уна оғир бўлмаган жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланганларга ҳам муайян энгилликлар берилиб, улар ҳам жазони ўташдан озод этилди.

2004 йил 1 декабрь
«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган» билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонида кура, биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулган шахслар, 60 ёшга тулган эркаклар, чет эл фуқаролари, эҳтиёсизлик оқибатида жиноят содир этганлар, иجتимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар содир этган шахслар жазони ўташдан озод этилди ҳамда айрим тоифадаги маҳкумларнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Шавкат ҚАРИМОВ, Тошкент Тиббиёт Академияси ректори



Ишонч билан ишласанг, ҳаражатдан қочмасанг, даромад келади, — дейди Э.Таниев. — Экинларимиз электр насослари орқали сугорилди. Утган йили электр энергияси учун 22 миллион сўм сарфладик.

Фермер хўжалиги далалари Пасдаргомнинг дашт ҳудудида жойлашган. Тоғ тарафдан иссиқ шамол эсиб туради. Ер шароити ҳам кўп меҳнат талаб этади. Фермер хўжалигининг 28 нафар аъзоси орасида Элибой ақанинг ўғиллари Аслиддин билан Муҳиддин ҳам меҳнат қилишмоқда. Улар отадан сабоқ олиб, деҳқончилик илмининг ўрганишмоқда. Бу йили фермер хўжалиги пилла ва галладан ўтган йилгидан кам ҳосил олишмади. Айни пайтда 126 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштирилмоқда. Шигил тўқ кўсақлар орасида лўппи-лўппи очилган пахталар кун сайин кўпаймоқда.

Фермер хўжалигида учта ҳайдов, учта чопик, иккита транспорт трактори, уч тиркама, битта «Енисей» русумли галла ўриш комбайни бор. Саялка, боро-на, чизел, культиватор етарли. Буларнинг ҳаммаси қисқа вақт ичида Элибой Таниевнинг тадбиркорлиги орасидан юзага келган. Бундан ташқари фермер хўжалигида 60 бош қорамол, 150 бош қўй-қўзи парваришланмоқда.

— Бу йил «Нева» русумли галла ўриш комбайни сотиб олмакчимиз, — дейди Элибой ака. — Ишни аввалдан шундай режалаштирмак бўлмайди.

машина трактор парк хўжалиқларига техника хизмати кўрсатади. Икки оёқ бир этикка тикилган пайтда 18 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатишга мукобил МТНнинг қуваати бироз етмади қолади. Шундай паллада Э.Таниев раҳбар фермер хўжалиги техника воситалари кўмакка келади.

Фермер хўжалиги аъзоларининг моддий таъминоти яхши. Уйларида галла аримайди. Узларидан ортиб, фермер хўжалиги туман марказий шифонасига, Жума шаҳридаги 55-интернат мактабга ҳомийлик қилмоқда.

Халол меҳнат, ташкилотчилик, ишбилармонлик тадбиркор инсон Элибой Таниевнинг умрини безаяпти. Ёниб яшаш бахти, юрт равнақига ҳисси қўиш тўғриси мулкдор деҳқонга шуҳрат келтирмоқда.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Zamonamiz qahramonlari
МУЛҚДОРЛИК
САОДАТИ

Бир давлатнинг ташкил топиши, шаклланиши ва дунёвий тараққиётининг оидин йўлига тушиб олиши учун табиийлик, ўн беш йил жуда қисқа муддат. Агар дўпчини олиб қўйиб, жиддий ўйлаб қарасангиз, бу қисқа давр ичида мамлакатимизда том маънода буюк ўзгариш ва янгиликлар юз кўрсатганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Биз қишлоқда истиқомат қиламиш. Яқин беш-ўн йилдан сўнг ёшларга шўро замонидида колхоз ва совхозлар ҳақида гапирсанг, ахаббаниши мумкин. Чўнки бугун қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида эришган ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтди. Ҳаётимизда янги қатлам — мулкдорлар тоифаси шаклланди. Мўҳими, одамларда ерга нисбатан эгаллик тўғриси кўнайдди. Эгаллик бор жойда эса моддий манфаатдорлик ортади. Моддий манфаатдорлик, шубҳасиз, масъулият ҳиссини кўнайтиради. Масъулият ҳисси кўнайдган жойда муваффиқиятлар кўпайди. Мен республикамиз тараққиётининг оидин йўлига тушиб олишининг бир жиқати шунда бўлса керак, деб ўйлайман.

Энди ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, 2000 йилда фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолиятимизни бошладик. Дастлабки йилда фермер хўжалигимиз 52 гектар ер майдонга эга эди. 2004 йилда 20 гектар, 2005 йилда 54 гектар қўшимча ерга эга бўлдик. Бу-

ЁНИБ ЯШАШ БАХТИ

Элибой ака аввал бошда ўқитувчилик касбинин таллагани. Бироқ қўнгли доимо далани кўсар, шу бонсдан ҳам, вақт ўтиб пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлди, кейинчалик бўлим бошқарувчис этиб тайинланди. Шу орада Қишлоқ хўжалиги институтининг агрономлик факультетига сиртдан таъсил олди. Лекин деҳқончиликда бой тажриба орттирган, суяги меҳнатда қотган Элибой Таниевнинг имкониятлари мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина юзага чиқди.

Утган ўн беш йил ичида уста деҳқоннинг кўксини орден ва медаллар англаб етдим, — дейди Э.Таниев. — Мустақиллик — халқнинг бахти, иқболли, келажакдир. Ҳар биримиз озод мамлакатимиз равнақи йўлида астойдил куч-ғайрат сарфлашимиз керак.

Элибой Таниев раҳбарлигида «Умсин момо» фермер хўжалиги 210 гектар сугорилмайдан ер майдонидида иш бошлаган эди. Қисқа вақт ичида хўжалиқнинг экин майдони 360 гектарга етди. 2005 йили фермер хўжалиги давлатга 1108 тонна сифатли хомаша етказиб берди. Ҳосилдорлик, дашт шароитида гектарига 44 центнердан тўғри келди. 120 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган эди. Натига эса 54 центнерданга тўғри келди. Жами 810 тонна сара дон йиғиштириб олинди, 610 тоннаси давлатга сотилди. Битта фермер хўжалигининг эл дастурқонига 610 тонна галла тайёрлаб бергани бу айтишгагина осон. Унинг замирида қанчадан-қанча меҳнат ётибди.

Фермер хўжалигининг ўтган йили пахта ва галладан олган сўм фойдаси 105 миллион сўмни ташкил этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустақиллик — бу ҳуқуқ демакдир. Шунинг учун ҳам демократик-ҳуқуқий давлатни шакллантиришда қонун устувор бўлмоғи лозимлиги ҳақида бот-бот гапиримиз. Албатта, ҳар қандай қонунчиликнинг туғилган инсон ва унинг манфаатлари ётади. «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, иجتимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва иجتимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», дея қайд этилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида.

Huquqiy kafolat
МУСТАҚИЛЛИК —
ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Шунингдек, «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари, деби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», дея эътироз этилади Бош Қомусимизнинг 53-моддасида.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу эътиборнинг натижаси ўлароқ, иқтисодий очор ширкат хўжалиқлари ўрнида фермер ва деҳқон хўжалиқлари ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи май ҳолатига кўра, Наманган вилояти бўйича жами 37586 та хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Уларнинг 34994 таси бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқини амалдаги қонунчилик асосида ҳимоя қилиш бевосита вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлар хўжалиқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимларининг вазифасидир.

Бугунги кунда вилоятда 31 та ширкат, 13878 та фермер ва 1583 та деҳқон хўжалиқлари ҳамда 11683 та бошқа субъектлар бўлиб, адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларини назорат қилиш бўлими ходимлари томонидан 16362 та ташқи ва 3099 та ички шартномалар тузишда амалий ёрдам берилди. Шунингдек, вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларида чет эл инвестициялари билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар сон 68 тага етди. Вазирил Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 205-қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга имкон яратди. Вилоят адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвести-

ган, шунингдек, туланган имтиёзли кредит суммаларини қоплай олмай, қарздор бўлиб қолган фермер хўжалиқлари раҳбарларига шартнома интизомини бузиш оқибатлари тушунтирилди.


Ўтказилган тадбирлар натижасида 9939 нафар фермер хўжалиги томонидан ихтиёрий равишда 78.3 минг тонна галла топширилди, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди. Бироқ амалга оширилган чора-тадбирларга қарама-дан, жами 90254 фермер хўжалиги шартномавий режани уддалай олмади. 370 нафар фермер олинган 480 миллион сўм миқдоридидаги имтиёзли кредитни қопламади ва 292 нафар фермер эса, шартнома тузганига қарамай, махсуслот топширмади. Давлат эътиёжи учун галла топшириш шартнома режасини бажармаган фермер хўжалиқларидан қопланмаган имтиёзли кредит маблағларини ва етказилган моддий зарарларни ўндириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Зеро, бозор муносабатлари шартнома интизомига барчанинг бир хилда роя этилиши такозо этади.

Шокир САИДОВ, ҳуқуқшунос

Tahlil va saboq
ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ
унга барча бирдай роя этиши лозим

Бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шартнома барча мулк шаклидаги корхоналар ҳамда тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўп жиҳатдан шартнома интизомига қай даражада роя этилишига боғлиқдир. Зеро, шартнома интизомига роя этиш нафақат хўжалиқнинг моддий манфаатдорлигини оширади, балки иқтисодий барқарорлигини ҳам таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиқлари йилдан-йилга шартнома интизомига роя этиши ўларининг бурчи, деб ҳисоблаб, шартномавий маданиятини ошириб бормоқда. Масалан, давлат эҳтиёжи учун бошқоқ дон махсуслотлари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг фермерлар томонидан бажарилишини таҳлил этганда ҳам юқоридидаги гапнинг тасдиғини кузатиш мумкин. 2004 йили давлат эҳтиёжи учун дон етказиб бериш бўйича шартнома тузган фермерлардан атиги 13,8 фоизи шартнома мажбуриятларини бажармаган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 9 фоизни ташкил этмоқда. 2004 йили шартнома тузиб, умуман махсуслот топширмаган фермерлар сон 1570 нафарни ташкил қилар эди.



Амалга оширилган чора-тадбирларга қарама-дан, жами 90254 фермер хўжалиги шартномавий режани уддалай олмади. 370 нафар фермер олинган 480 миллион сўм миқдоридидаги имтиёзли кредитни қопламади ва 292 нафар фермер эса, шартнома тузганига қарамай, махсуслот топширмади.

Жамолддин ЭРҒАШЕВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Абдумўмин КУЛТЎРАЕВ тайёрлади

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

ХАЛҚ — ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чиркираб ётган руҳи поклари...



Музей биноси ўзбек миллий меъморчилиги анъаналари асосида қурилган, — дейди...

Таниши бахтига муяссар бўлган — «Қатагон қурбонлари» музейидан олган таассуротларимни баён қилишга тил охири...

Дийлаштириш учун ёдгорлик мажмуи, «Қатагон қурбонлари» музейи фақатгина Ўзбекистонда ташкил этилган...

риҳининг мусибатли даври тўғрисида аниқ ва муфассал маълумотлар берилди. 11 ойнаванд витрина, ҳужжатли фильмлар...


Томоша зали марказидаги «Изтироб» ҳайкалида машъум қатагон фожиасидан азият чеккан ўзбек оиласи ақс эттирилган...

Музейга фаолият кўрсата бошлагандан буюн 1 миллионга яқин зиёратчилар ташриф буюрди. Ташриф буюрувчиларнинг аксарияти мустамлакачилик, қатагон, «халқ душмани», «миллатчи»...

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, «Қатагон қурбонлари» музейида ҳар бир зиёратчига, аяниқса, ёш авлодга халқимиз та...

ОНА ЮРТ ҚАДРИ

Хурриятга эришган кунни мизни тантана қиладиган кутлуг айём яқинлашгани сайин истиклолнинг қадри...



Ватан қадрини юртидан айро тушиб, хўрликларни бошидан кечирган, қорбўрони, изгиринли ўлкаларда сөрүкш дийрини соғиниб яшган инсондан сўрасангиз, беихтиёр уйга толади, ич-ичидан хўрсиниқ келади.

Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод шоир Тоға ўғлининг «Маҳкамчол» термасини собиқ шўролар замонида рўй берган қатагон армонларининг ингроқ марсиyasi, дейиш мумкин. Аслида, бу қўшиқ қўлоқ қилинган бахшнинг отаси — Маҳкамчолнинг изтиробли достони. Унга бахши томонидан бастанланган кўйни эшитиб, болакайнинг ноласини тинглаётгандай бўласиз.

Хар сафар Хуррият байрами арафасида Шомурод шоирнинг тўғрай тилли дўмбирасини, чанковуз ноласини тинглагани борамиз. Хўш, Шомурод шоир ким ва унинг болалиги қандай кечган? Чироқчи бахшлик мактабининг асосчиси Мардон шоир шаҳарасига мансуб Шомурод шоирнинг етти пушти бахши шоир ўтган. Шомуроднинг отаси Тоға шоир биргина Гўрўғлидан киркта дoston айттадиган машҳур бахши бўлган. Бирок унинг тақдир аянч ва армонларга тўла.

Тоға шоир Чироқчининг Араббанди даштада яшаб, баҳоли қудрат оила қуриб, терма дoston қуйлаб юргани айб, деб топилиб, 1930 йили қўлоқ сифатида Сибирга жўнатилади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас қочиб келгани учун Тоға оиласи билан қайта бадарга қилинади. Тожихол ая қўлидаги олти ойлик эмизикли гўдаги билан повозда беш кечакундуз йўл юриб, Шимолий Козогистоннинг Окмулла вилояти, 37-қўлоқлар посёлкасига бориб тушади.

Орадан бир йил ўтиб, Тожихол ая совуққа чидалмай, қон туғлаб жон беради.

Икки ёшли гўдак (энди унинг исми Сашани) Тоға шоир этагида кўтариб катта қилади. Онаси гўдак 10 ёшга тўлганида уруш бошланади. Акаси Иброҳим урушга, отаси эса ишчилар батальонига жўнатилади. Сашани эса болалар уйига топширишади. Бирок у болалар уйдан қочиб кетиб, кўча-қўйда гитара билан қўшиқ айтиб юради. Акаси урушдан қайтмайди. Хайриятки, отақони қайтиб келиб, уни излаб топади ва эрта-оқ кеч зурирдига ўзбек тилини, дoston ва дўмбирани ўргатади. Шундай қилиб, Ўзбекистондайд жаннатмақон юрт борлигини, у ёқда кўёш ботмаслигини, ширин-шакар мевалар пишшини, бир кун келиб, бу зулмдан озод бўлиб, юрта борганида, ўзи ҳам ота-боболари сингари бахши шоир бўлишни энди Шомурод дилига тугиб олади. 17 ёшга ота-боболари юртини дostonлардаги Эрам боғида тасавур қилиб, соғиниб яшайди. Балки уни бахши шоир қилиб ҳам ана шу соғинч, армонлардир. Шомурод 18 ёшда отаси билан юрта қайтиб келиб, устози — падари қўлидан дўмбирасини олиб, қуйлай бошлади.

Мустақилликдан кейин унга халқ бахшиси унвони берилди. Эҳ-ҳе, унинг репертуаридаги «Алломиш» дostonларини, «Юсуф-Ахмад» дostonидаги бандлик ва озодлик мавзусидаги қўшиқлари нолақор дўмбига журлигидега бир эшитиб курсангиз, ота юртинг қадр қўшиги бўлишини, уни жон дилидан суйган ва унинг бир заррасига зор бўлганларнинг дил армонларини юракдан туюсиз.

Ғози РАҲМОН, «Инсон ва қонун» муҳбири

Одил ЁҚУБОВ:

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТМОҚ САВОБ

— Одил ака, сиз тарихий асарлар яратган, истибодод нима эканини, қатагон нима эканини ўз юрагидан ўтказган адиссиз. Қатагон қурбонларини ёд этиш маросими, Озодликнинг ўн беш йиллик тантаналари арафасида бир дунё уйлар ҳаёлингиз банд этган бўлса керак? Шунингиз газетчилик билан баҳам кўрсангиз.

— Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам исзис кетмайди. Ушанда мен тўрқиз яшар бола эдим. Кенки пайт тўсатдан дарвозамиз олдига қоп-қора кўнғиздек машина келиб тўхтади. Раҳматлик отам дераза олдида турган эди, уни кўриб, ранги қув ўчди, беҳол курсига ўтириб қолди.

Харбий кийимдаги уч нафар чекист, камарларида тўпчанча, ичкарига бостириб кириб, уйимизни тинтув қила бошлади. Ақл бовар этмас саросима ва қий-чув бошланди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, отам сув сўради. Онам йиғидан бушамай, қудуддан бир челақ сув олиб келди. Ушанда тинтув тугагунга отам бир челақ сувни ичиб тугатган, юзи кўнмирдек қорайиб кетган эди.

Уша машъум кўнлар ҳақида уйласам, бир аччиқ ҳақиқат мени ҳайратга солади. Золим сиёсат шу қадар сеҳрли кўча айланган эдики, отам раҳматли токи сўнгги нафасигача бу бир хатолик эканига, адолат рўёбга чиқишига ишониб яшайди. Лекин тез фурсатда уни «халқ душмани» сифатида отиб ташлашди.

Бугун ҳақиқат рўёбга чиқиб, истибод ўз номи билан истибод, қатагон ўз номи билан қатагон деб айтилаётган замонада бу жабру жафолар ҳақида гапирши осон, лекин ўша машъум ва таҳликали йилларда бу зулм ва ноҳақликни кўтариб яшаш осон бўлган эмас. Уша оғир ситамларни ўз юрагидан ўтказган, зулм ва ноҳақлик нима эканини кўрган-билган одам учун дорилмон бу кўнларнинг қадр-қиммати ниҳоятда бошқача.

Биз ҳамма нарсани ўз қарчимиз билан ўлчаймиз. Лекин ҳаёт бизгача ҳам бўлган ва биздан кейин ҳам давом этади. Келажак авлод ҳар бир ишга ҳолис баҳо беради. Шу нуқтаи назардан қарасангиз, дунёда адолат бор. Бугун улуг аждодларимиз шаънини тиклаб, уларнинг руҳи покни шод этиш мақсадида қилинаётган хайрли ишлар, жумладан, қатагон қурбонларини ёд этиш маросими ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Қатагон даврида минг-минглаб оддий ва беғуноҳ инсонлар қатори миллатнинг фидойис бўлган не-не улус сиймолар ҳам қатл этилди. Ва бу халқимиз учун нечоғлик оғир жудожил бўлганини тасаввур этиш қийин эмас. Жафокаш халқимиз истибод даврида бунга қўшаиш не-не йўқотишларини ўз бошидан кечирмади, дейсиз.

Биз, ёшлар ўтган асрнинг саксончи йилларида бошланган сўнгги қатагон ҳақида бирмунча тасаввурга эгамиз. Сизнинг «Оққушлар, олоқ қушлар» романингиз шу ҳақда.

Машъум XVI пленум матери-аллари билан танишиб чиққач, юрагимда нотинчлик пайдо бўлди. Унда илгари сўрилган филрлар жамият ҳаётидаги иллатлар ҳақида бўлса-да, моҳият-этибори билан олинганда бир республикада «тозалаш» ўтказишга қаратилган эди.

Орадан кўп ўтмай, «ама-кама»лар авжига чиқди. Бир одам гирдобга тортилдими, бас, қатагон саратон касалига ўхшаб томир ёя бошлайди. Ҳадемай, бу бало бун-тур республикани ўраб олди. Шўро матбуоти эса ўзбек халқи товламачи, деб бунун оламга жар солди.

Қатагон авжига чиққан пайтда Бухоро вилоятидаги бир хўжалик раҳбари менга хат ёзиб, гарчи терговга тортилган бўлса-да, ўзининг бебай ва беғуноҳ эканини маълум қиларкан. У айтганки, Одил ака, қамалишим мукар-рар, шу боис мен ҳаётдан воз кечишга қарор қилдим, нимага десангиз, ўғил-қизларим во-яга етиб турибди, қамалсам, ёмонотлик бўлсам, уларнинг келажига қуйиб кетади! Мен



уларнинг йўли ёпилиб, бахтсиз бўлиб қолишини истамайман!

Сиздан ёлғиз илтимосим, вақти-соати келган, мана шу ҳақиқатни фарзандларимга етказсангиз, деб ёзган эди у.

Уша йигитни бу машъум йўлдан қайтариш учун ўша кунгек хат ёзиб, бир одам юбордим. Лекин у менга хат ёзиб жўнатган, ўз жонига қасд қилган экан...

Бу инсоний кулфат менга қаттиқ таъсир қилди. «Оққушлар, олоқ қушлар»ни ёзишга шу туртки бўлган...

Мустақилликка чиққач, муҳтарам Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан «пахта иши» бўйича қамалган қўлдан-қўл одамлар қамқондан чиқариб олинди, улар оқланиб, инсоний шаъни тикланди. Аммо ўша «ама-кама» авж олган тўфонли даврда қатагон гирдобига тортилган қорқ оққўнли кишилар ноҳақликнинг, зулму эъраволикнинг қурбони бўлиб кетишди.

Шу маънода, Мустақиллик байрами арафасида қатагон қурбонларини ёд этмоқ, уларнинг руҳини шод этмоқ хайри, савобли, чўкур тарбиявий аҳамиятга эга бир ҳикматдир.

Мен бир олам орзу-хаваси бўла туриб, азбаройи оққўнлигидан ноҳақликка чидай олмаган оддий бир ўзбек йигити, ҳалол, покча бир инсон фожиаси ҳақида гапирдим. Бундайлар оз эмас, лекин қатагон, деганда дафъатан Маҳмудўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби халқимизнинг буюқ фарзандлари хаёлимиздан озодликка талпиниб, зулматни тилиб, зиё таратган. Мақсад йўлида ўз ҳаётларини фидо этишган.

Мавриди келганда, яна шуни ҳам айтиш керакики, мустабид тузум наинки тиркиларни, хатто халқнинг таянч тоғлари бўлмиш Соҳибқирон Амир Темуру ва Имом Бухорий, Жалолиддин Манғуберди ва Аҳмад Ясавий, Муҳаммад Назарий ва Баҳоуддин Хоразмий ва Баҳоуддин Хоразмий билан баҳоуддин Назарийнинг руҳини шод этган, уларнинг бебаҳо илмий-маърифий меросидан бизни махрум қилган.

Бу — миллатнинг ўқ илдизига болта уриш, демакдир. Чунки инсон хотира билан тирки. Фитрат ҳиммати ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳақи-ҳаёти йўқ, деб айтади. Бу — тўри фикр. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юрагидан ўтказган одам бу дорилмон кўнларнинг қадрига етади.

Ислом ҲАМРО Ёзиб олди

Бу ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўзи бир дунё. Баъзан атиги битта кашфиёт ёки ихтиронинг ўзи жамиятга беҳисоб бойлик ва фойда келтириши мумкин. Мустабид тузум даврида қатагон гирдобига тортилган Усмон Носир, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон сингари адибларга ақалли яна биттадан асар битиш имкони берилганида жамиятга тегадиган маънавий озуқа миқёсларини бир тасаввур қилиб кўрин-а. Бир киши 40 йилда қамолга етади. Олим-зиёли кишининг қамолоти учун неча йил кифо қиларкин? Модомики, у ҳаётдан ёки фаолиятдан бевақф, бемарид маҳрум этилар экан, бунинг оқибатида вужудга келган бўшлиқни тўлдириб, бошқача айтганда, унинг ўрнини босувчи яна бир зиёли инсонни тарбиялаш учун неча йил ва қанча маблаг талаб қилинади?

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Бунга қатагон йилларида қатл этилган 30 минг нафар зиёлининг илмий-ижодий салоҳияти ва ушбу салоҳиятдан келадиган фойда миқёсларини ҳам қўша, йўқотишларнинг жирканч қўлами кўз ўнгингизда яққол намоён бўлади. Бундай йўқотиш бун-тур бир миллатнинг тарих саҳифаларидан ўчириб ташлаш ҳам ҳеч гап эмас. Лўнда қилиб айтганда, тарихчи Пулат Солиевнинг ора йўлда қолиб кетган илмий тадқиқоти, бастакор Сафо Муғаннийнинг янги мусиқа асари билан боғлиқ ўй-хаёллари ни энди ҳеч ким рўёбга чиқара олмайди. Қатагоннинг даҳшатли оқибатларини ҳам киши шунда ҳис этади.

Республика «Олтин мерос» жағғармасининг Хоразм вилоят бўлимида қадр ўрнига жафо толган ўнларча ватандошларимизнинг аянчи қисматига оид қимматли маълумотлар сақланади. Бу маълумотларни ўқиб туриб, даҳшатга туша-сиз. Ахир, ачимасликнинг илоҳи ҳам йўқ-да. Қурбон Бегерин, Худойберган Девон, Сафо Муғаннийларни аслида ватани ва халқини астойдил суйгани боис отиқ ўлдиришган. Айнан шундай «айби» учун Раҳмат Маҳидий ва Марьям Саулмуродоваларнинг ҳар бири 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Тадбиркор ва тадбиркорликни бугун давлатимиз ва унинг раҳбари шахсан қўллаяпти, ишига имкон яратаяпти, манфаат ва ҳақ-хўқуқларини собит туриб ҳимоя қилаяпти. Қатагон даврида эса омманинг ушбу қатлами бошига не кулфатлар ёғдирилганини айтишга тил охири. Ҳатто ярим танобгина ерини ўз чигири ёрда-мида сўрган ўрта хол дехон, йилгига нари борса, 20 ботмон чигитни эзиб, ундан пахта ёғи олган оддий қосиб ёки дастгоҳида бўз тўқинга ўй бекасини ҳам бошқаларни эзувчи «эксплуататор»га чиқаришнинг нима дейсиз? Шовотнинг Бешмерген қишлоғида яшаган Сафарбой дапнамчи (жувозчи) оддийгина ҳаёт кечирган. Унинг бор бисоти раҳматли отасидан қолган кичкинагина можувоздан иборат бўлган. У ўша мой-жувозни тиркичилик важи-дангина ишлатар, бева-бечоралар келтирган чигитдан ёғ чиқариб бериб, хатто ҳақ ҳам олмасди. Унинг бири икки бўлиб, бой-бадавлат турмуш кечирганини қишлоқда ҳеч ким эслаб олмайди. Аксинча, топангани элга, етим-есир, бева-бечораларга улашган. Шу боис унинг



эл ичида обрўйи балинд бўлган.

1943 йили Сафарбой дапнамчи «бой-қулоқ усур»лар рўйхатида тиркаб, қамоққа олишган. Ўзи ва ҳамқишлоқларининг ар-ҳолига хатто қулоқ ҳам тутишмаган. Қатагончиларни маҳкумнинг қандай алфозда турмуш кечиргани эмас, балки бор бисоти — аяқою-ягона мойжувози «безовта» қилган. У қийноқлар, таҳдид ва дўқ-пўнислар олдида ўзини мардона тутган. Айб-сизлигини исботлашга қара-тилган барча уринишлари беҳуда кетган, кўз қўриб, қулоқ эшитмаган қийноқлар таъсирида қамоқда ҳаётдан кўз юмган.

Беғуноҳ инсонларнинг аянчи тақдирдан дарак берувчи бу каби мисоллар, факт ва далиллар аунчагина. Қатагон ва истибод халқимиз бошида қилич қай-раган 30-40-йиллар орали-гида биргина Хоразм вило-яти бўйича 1850 нафар киши қатл қилинган.

Истиклол йилларида халқимиз давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолли-да жамиятимизда ижтимоий адолатни тиклади. Бунинг хур ва озод турмуши-миз, эркин виждонимиз, ҳалол имон-эътиқодимиз, миллий ўзгичимиз йўлида жон фидо қилган, авахта ва кўвгин азобини бошидан кечирган ота-боболаримиз, она-момоларимизнинг пок номи қайта тикланди.

Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири



ХАЙРИНИСОННИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ


(Давоми. Боши биринчи бетда)

Уша даврда хорижга бориб таълим олаётган ўзбек қизларининг жасорати маърифат муҳлисларининг оқлишларига сазовор бўлган. Хайринисо Маждихонованинг номи ҳам шоирлар — Чўлпон, Ботунинг шеърларида тилга олинган.

Германияда олти йил тах-сил олган Хайринисо 1928 йилда Ўзбекистонга қайтиб келади. Узининг бор билим ва кучини ишга солиб, халқ соғли-ғини учун қайиради. У қасаба уюшмалари Марказий Қўмита-си ҳодимлари ҳужумрият бош-ланган ва ўрта таълим ўқитув-чиларининг дам оlish йўлида шифокор бўлиб ишлайди. Унинг Европа тиббиётиндан ол-ган билимлари, машҳур немис олимлари ва шифокорларидан ўрганган тажриба ва малака-лари даволашда қўл келади.

Бирок унинг меҳнатга йўрилган тинч ва осойишта қўнлари бир тушга ўхшаб қолади. Унга соғларини бир ёр қўнлари силлаш, «ёр-ёр» новларни остида тушангага кириш насиб этмайди, бир дунё орзулари қалбида армон бўлиб қолади. 1937 йилнинг машъум 13 сентябрида Хайринисо ҳам сафдош ва курсдош дўстлари қатори қутулмаганда хибсга олин-ди. Унга 1922-1928 йилларда Германияда «Озод Туркистон» номли аксинлиқбий-миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган, деган сохта айб қўйилади. Хайринисо ўзига қўйилган айбларни тўлиқ инкор этади, бирок унинг сўзларида ҳеч ким қулоқ солмай-ди, қийноқлар зулуксиз давом этади. Бу му-дҳиш терговлар бир йилга чўзилади. Гарчи унга қўйилган айблар ўз исботини топмаган бўлса-да, олий ҳазо — отувга ҳукм қилинади. Эндигина 32 баҳорни қаршилаган, Европанинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида ўқиб қайтган биринчи ўзбек қизининг умри шу тариқа хазон бўлади.

Ҳеч кимга сир эмас, ўша қатагон даҳшати авж олган йиллар «халқ душмани» деган айб-лов билан жазога тортилган кишиларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам таъ-қиб этилган, кўз қўриб қулоқ эшитмаган азоб-хўбятларни бошларидан кечирган. Бунга Хайринисо Маждихонованинг яқинлари ми-соллик ҳам қўриш мумкин. Унинг ота-онаси ва яқинлари ҳам оғир қийинчиликларга, тах-қирлаш ва доимий таъқибларга дучор бўла-шади. Қизининг тақдириндан беҳабар ота-она турли идораларга бош уриб боришади. Бирок ҳар гал ҳақорат эшитишади. Охир-оқибат улар фарзанд дориде қўнгилиларида армон билан ҳаётдан кўз юмишади.



Хайринисо Маждихонованин-нинг жиғи Холлида Қодирова ўша машъум кўнларни шундай хотирлайди:

«Кўз ойларининг бирида Хайринисо холам тонг саҳар-да уйимизга икки киши назо-рати остида кириб келдилар. Бу кишилар уйимизни обдан тинтув қилиб, холам Германиядан олиб келган китоблар, хатлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қила бош-ладилар. Холам ҳамма нарса Мирободдаги ҳовлимиздаги-гини айтгач, улар Хайринисо холамни ўша ёққа олиб кетиш-ди. Уша кун мен мактабга бормадим, қўрқиб кетганим-дан қисқа йўл билан ботмон-нинг олдида қочдим. Бобомга иккита одам холамни ишонча-сидан олиб келиб, уйимизни тинтув қилишаётганини айт-дим. Шунда Бобом бунимга

қараб: «Онаси, қизингдан айрилиб қолмиш!» — дея хўнграб йилгаб юборди. Бир пасдан сўнг ботмоннинг ховлисига НКВД ҳодимлари ки-риб келишди-да, ҳаммаёқни титиб ташлашди. Германиядан келтирилган китоблар, хатлар ва ўқиб йилларида тузилган айб-биларни ховли уртасига уюб, ёқиб юборишди. Маждихон Бобом ва онами 3-4 ой терговга қачирибди, қизингизнинг Германия билан алоқаси, жо-сулук ишлари ҳақида маълумот берасизлар, деб сўроқ қилишди. Баъзан уларни ҳам қамаб қўй-ишарди.

Кейинчалик эса бизни ҳовлимиздан ҳайдаб чиқаришди». Хайринисонинг яқин дўстлари ва опаси Ой-поша ҳамда жияни Холдинанинг айтишича, у ўша йиллари Германиядан олиб келган тибби-ётга оид турли қўланмаларни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишга киришган. Бу борада илмий тадқиқот олиб борган. Хайри-нисонинг кўз ўнгиде ёндирилган буюмлари ва ҳужжатлар қўнгилида Германиядан олиб келин-ган немис тилидаги тиббиётга оид асарлар, болалар китоблари, Гёте, Шиллернинг бадий асарлари, Абдулла Қодирова ва Чўлпон каби шоирларнинг роман ва шеърлари ҳам бўлган.

Сталин шахси фож этилгач, опаси Ойпош-ша синглиси Хайринисонинг кейинги тақдирини суриштириб, турли идораларга қайта-қайта мурожаат қилади. Бирок синглиси Хайринисо-нинг тақдир ҳақида бирон-бир аниқ маълум-от ололмайди. Қуйган қўнгли баттар армонга тўлади.

Фақат юртимиз истиклоли ана шундай ар-мон билан яшаб келаётган оилалар қўнгилига малҳам бўлди. 1999 йил 7 октябрда Хайри-нисо Маждихонованинг номи оқланди.

Шоира ДОНИЁРОВА

«Huquq va burch» tanloviga

ҲАЁТ ЧИРОФИ...

Кўз ўнгимда гўзал водий, бепоён далао паст-баланд қир-адирлар. Чимёнинг осмонлар қоялари. Баҳорда чаман бўлган, эндиликда даракларда ёнаётган Тожикул бобонинг ҳаёт чироқлари — тилларанг ўриклар узокдан кўзни қамаштирилади. Қадимин етган сойни Дайдилик, дер эканлар. Сабоби сой тез-тез ўзанини ўзгартириб, ўрикзорлар орасига беркина экан. Олтириқ йўлидаги бу сўлим гўшани сўз билан таърифлаш қийин. Ўрикзор орабала Тожикул бобо хонадон томон юрдим. Мени бобонинг тўнғич ўғли Мамат ака қарши олди.

Уйга кирдик. Хонада ёш саксондан ошган, оппоқ соқоли, эгнида оқ ятак, бошида эса марғилонча дўпкни кийиб олган нуруний оқсоқол бизни қарши олди. Бир-икки пиёла оқ иччилган, бобо менга «Юринг болам, сизга бир нарсани кўрсатаман», деб қолди.

Оқсоқол билан боғ орабала бор эканми, у кутулмаганда. «Сизга ҳаёт чироғини кўрсатайми?» — дея сўради. Тўғриси, аввалги унинг

сўзлари эриш туюлди. «Ўрикзорда ҳаёт чироғи нима қилсин?» — деган фикрга ҳам бордим. Бобо мени ўрикзорда энг бахайбат ва энг кекса ўрик даракнинг ёнига бошлаб борди. Сўнг даракнинг бағрига босганча, буришган қўллари билан унинг тасанини аста-секин сийпади. Ҳаёлимда у дарак билан эмас, балки инсон билан муомала қилаётгандек, худди узок вақт кўришмаган кадр-дони билан дардлашаётгандек

эди. Буни бобонинг нури кўзларидан дудокларига томаётган ёшлар ҳам айтиб турарди. Бу ҳол мени янада хайратга солди. Бобо орага чўккан бироз сукунатдан сўнг бошидан кечирганларини хикоя қила бошлади:

— Бу воқеанинг тарихи узун. Ушанда мен ёш бола эдим. 30-йиллар, собиқ тузумнинг қатагон қилини дадам раҳматлини ҳам ўз қонига тортиган эди. Уни ўз еридан, мол-мулкидан айириб «қул» қилишди. Ушанда, қишнинг изгиринли кунларидан бирида, отамни «халқ душмани», деб айбондилар. Бир кунда ҳатто қариндош-уруғлар ҳам бегонага айланди. Охир-оқибат қишлоқдан бош олиб кетишга мажбур бўлдик. Аммо таъин борар жойимиз йўқ. Устига устак онам оғирдек, Мен эса очликдан «дод», дейман. Отимизнинг ҳам силласи

қуриган, аравани зўрга тортарди. Тўқай орабала йўлимизни давом эттирардик. Бирдан онаминг тўлғоғи тўтиб қолди. Дадам билан нима қилишимизни билмай қарахтмиз. Қор тинмай ёғар, бўроннинг товуши бўрининг уви-лашига ўхшарди.

Узоқдан шамолда липиллаб уйнаётган чироқ кўринди. Дадам онамни кўтариб ўша томонга юрдим. Нолаларимиз худого етибди, шекилли, худди фаришталар йўлимизга нур ёғдираётгандек туюлди. Мен ҳам отни тортиб ёруғлик томон юра бошладим. Қарасак, кичик бир қулба. Унда ёлғиз бир кампир яшар экан. Бизга бошлана берди.

Дадам ўзида йўқ шодлик билан «Ўғлим, Тожикул, онанг сенга ука олиб келди, унинг исмини Умиджон, деб қўямиз. Албатта, яхши кунлари келадди. Қайғурма», дея менга далада берди...

Кампирнинг бир туп ўрик даракни бўлиб, чунонам мева тугар экани, териб адо қилиб бўлмас экан. Егандан ортагани ноқи қилиб, қишга гамлар адик. Бу озчилик йилларда ана шу ўрик қўқлари билан жон сақладик.

Баҳор ҳам келди. Кампир ўлимидан олдин бу ерларни катта боғга айлантиришни дадамга васият қилди. Дадам билан тинмай ишладик. Турли ерлардан ўрикларнинг сара навини олиб келиб ўққиздик.

Йиллар ўтиб, одам оёғи етмаган бу жойлар катта боғга айланди. Қишлоқлар ҳам кенга бошлади. Отам раҳматли бошлаган ишни мен давом эттирдим, ҳозир эса фарзандларим, набира-чеваларим давом эттирмоқда. Мамат аканинг ўриклардан турли ширинликлар тайёрлайдиган қорхоналари бор. Бу улуг кунларга етказгани учун яратганга минг бор шукр, дейман, болам. Ҳар ишга интилиш, эзгу ниятлар билан яшаш ҳаётимнинг мазмун бўлди. Дадам раҳматли хамшиша: «Умр ўткнчидир, ўғлим. Эзгу ишларнинг номининг боқий қилади», деб тақорларди. Бу гапни мен фарзандларимга, набираларимга ўқтираман. Бу кекса дарак мен учун ҳаёт қирғандир. Бу чироқ сира ўчмайди. У биздан кейин келажақ авлодлар йўлини ёритиб туради. Боғ меники эмас, бутун қишлоқ аҳлиники. Қўриб тур-

ганингиздек, барчалари бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар».

Оғир кунларда бир туп ўрик бир оилани очликдан, нафақат очликдан, балки ўлимдан ҳам сақлаб қолгани кишини хайратга солди. Турги, бу гаплар бутун кимларгадир оддий ривоятдек туюлиши мумкин. Лекин аслида бу ҳаётий ҳақиқат. Менинг сўхбатдошим — Тожикул бобо ана шу тарихнинг, қолаверса, ўша йилларда қаҳратон кишининг соғуғидан да қаҳрларок бўлган қатагоннинг тирик гувоҳи...

Шу ўринда, бугунги кунда ана шу ягона ўрикдан катта боб барпо этган Тожикул бобо ва унинг фарзандлари, ҳамқишлоқлари меҳнатига тахсин айтса, арзийди.

Агар диққат билан қарасангиз, кекса ўрик даракнинг қай бир сифатлари Тожикул бобого ўхшаб кетади. Чунки у бобонинг умрини асраб қолиб, унга кайта ахир бахт этган бўлса, ўз навбатида Тожикул бобо ҳам ўз яшилликлар билан худди кекса ўрик дарактидек атрофдагиларга меҳр-оқибат улашиб келаётди.

Зафар ЁҚУВОВ

Dunyoning ishlari

Ҳар қандай яхши ва ёмон амалнинг сўрови бор, дейди кексалар. Бироқ биз бу ҳақда баъзан тунушиб етасак, ҳоҳида унга кибро бўлишга бўйинимиз ёр бермайди. Қилғилкини қилиб қўйиб, таовба, бу ташвиш қаердан келиб, дея ҳайрон бўламиз. Ахир, вақтида тан олинган зунҳ таовба ўрнига ўтади, дейдилар.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳаётини оқокини кўни кўраиб бир отахон гапириб берганда.

ҚОРА МУШУК ҚАСОСИ

Сирдарёга ўртоқлари билан чўмилишга келган Ёдгор сувдан чиқишга шошилмас, алаҳқонда кийинчи олган қирғоқдаги жура-лари кун кеч бўлиб, сув қўтарила бошлаганидан хавотирланиб, уни чақириварди. Ёдгор эса бамай-лихотир дарёда у ёқдан-бу ёққа сузарди. Қутулмаганда пайдо бўлган гирдоб томон шитоб билан қулоч отиб сузиб бораркан, унинг узук-лулук гаплари эшитилди:

— Ана, қора мушук болалари... Гирдобга тушиб қолибди, ҳозир кутқараман...

Қирғоқдагилар эса, қанча тикилишмасин, тобора катталашиб бораётган гирдоб атрофида гир айланаётган хас-чўп, ўт-ўланлардан бўлак ҳеч нарсани кўришмасди.

— Гирдобга яқинлашма! — бақирди дўстларидан бири. — Тўхта, жон ўртоқ, ўпқонга тушсанг, ўласан...

Ҳаял ўтмай гирдоб ўрамасига тушиб қолган Ёдгор сув юзида кўринмай қолди...

Орадан уч кун ўтган, Ёдгорнинг жасади топилди. Дафн маросимидан сўнг Нўмон ака ўғлининг ўлими билан боғлиқ тафсилотларни яна бир марта унинг ўртоқларидан батафсил сўраб олди. Сўнг орадан жимликни бузиб, овози титраб: «Қора мушук, дедими, -а?», дея бир нуктага тикилиб қолди.

Айни дамда Нўмон ака уч-тўрт ой муқаддам, қўқамнинг сўнгги кунларида юз берган, андан буюн кўнларига хавотир солиб юрган бир воқеани беихтиёр ёдига олган...

...Уша кун даладан кеч қайтган Нўмон аканинг ётиш олдидан негадир қаттиқ игиси келди. Қизи дастурхонга банкада қатиқ билан қошиқни олиб келиб қўйди.

— Қаттиқнинг ямини ким ичди? — сўради жаҳл билан Нўмон ака, — энди сенлардан қолган сарқитни ичишим керакми?

— Сираям сарқит эмас, мушук теккан экан, юзини олиб ташладик, — деди кўра-писа қизи.

— Хали мушукдан қолган сарқитни менга раво кўрдингми, шум етим? — дея Нўмон ака банкани ерга уриб, чилпарчин қилди.

Уч кундан буюн ивйтиб қўйган қаттиқнинг юзини бир қора мушук ичиб кетади, — деди йиллаб қизи. — Айб менда эмас.

— Бундан қичди, йўқолган қазини ҳам ўша ахлаб мушук ўмарган экан-да, — деди мўлабичи асабий силаркан ота. — Мен уни ўлдираман!

Қўпчилик бўлиб қора мушукни қолқонга туширишди. Отасининг буйруғи билан Ёдгор ва Шоҳида оғилхонадаги хашак майдалайдиган жодуни кўтариб келишди. Шундан кейин ўғри мушукнинг олдинги оёқларини бўғимидан кесиб ташлашди. Мушукнинг чинқирғидан кўни-қўшнлар ҳам безовта бўлди. Қутулмаганда Нўмон ака мушукнинг кесилган оёқларини кўкрагига босганча фарёд уриб қовлини гир айланчи югуришга тушди. Қўни-қўшни уни тўхтатишга қўриқчи топилмаганча, но-илож бир амаллаб йикитишди. У бир гапни тинмай жаврарди: «Мен билмай болаларимнинг қўлини чопиб ташладим, энди нима қиламан...»

Орадан маълум вақт ўтиб ўзига келган Нўмон ака беихтиёр қўни кеча қўрган тушини эслади. Умри бино бўлиб бунақанги дахшати туш кўрмаганда...

...Зимистон тунда қандайдир ваҳимали махлук уни таъқиб қилиб, кимсасиз саргога қувиб келганини. Бир пайт қараса, бу бахайбат махлук ўзи билган ўша қора мушук экан.

— Мен сени танидим, оёқларинг яна ўсиб чиқибди-да, — дермиш у дир-дир титраб мушукка. — Мени қаерга олиб кетясан?

— Очик мазорга, — дебди мушук.

У яна узок тентираб, ниҳоят, бир қабрини келиб қолди. Узоқдан икки одамни шарпаси кўришди. Яқинроқ бора, ўли билан қизи ердан кўзини узолмай йиллаб турганини кўрди.

— Сизлар бу ерда нима қилясанлар? — дебди уларга отаси.

— Тақдир азал хўлмага кўра шу ердами, ота, — дебди улар.

Кейин ота ва болалар урта казиб қўйилган қабр қаршида до-пайдо бўлишди.

— Бу қабрларни сен қазгансан, — дермиш қора мушук Нўмонга.

— Биз ўлишни истамаймиз, — дебди у болаларини бағрига босиб.

— Менинг урта болам ҳам яшашни хоҳларди, — жавоб қилибди мушук.

«Нахотки, бизни қарғиш ўргани рост бўлса, — дея халларга тоғди. Нўмон ака бир мунча ўзига келиб, — Э йўқ, булар бўлмагур гап, ўзи «вас-вас» бўлиб қолмаган».

Шу пайт турн қоронғусида бир жуфт чўғдай нукта кўринди, кейин тобора яқинлашиб, катталашди ва ниҳоят, Нўмон ака ўзига тикилиб турган мушукни аниқ кўрди.

ва чопини ечди-да, чопқиллаб ҳовлига чиқди. — Мен сени ўлдир қутулмаман! — деб асабий бақирганча мушукни қидира кетди. Паншахони қўлига олиб, ҳамма қилишга қўлини қўйди, бироқ мушукнинг қорасини ҳам топмади. Охири оғилхона ёнидаги ёнғоқ даракнига суяниб, ухлаб қолди. Азонда этиб жўнжикиб уйғонган Нўмон ака даракнинг ер билан туташ танасиданги тирноқ изларини кўриб сесканиб тушди. Утирган жойида оғилхона тепасиданги хашак жойланадиган бостирмага синчилаб қаради. У ерда онасидан қолган қолқонга йўқ эски сандиқдан бўлак ҳеч вақо йўқ, Хашак босилмагани боис бостирмага ҳеч ким чикмасди, чунки унга етди-дан нарвоннинг ўзи йўқ эди. У яна ёнғоққа раэм солиб туриб, хавотирга тушди. Демак, бостирмага ёпишиб ўсгани учун унга фақат шу ёнғоқ орқали чикса бўлади.

Нўмон ака югуриб қўшнисининг нарвонини кўтариб келиб, оғилхона томига учма-уч қўйди ва шошиб пиллаполярга оёқ қўяркан, йиқилиб тушишига оз қолди. У негадир шоварди. Чунки ўша машўм воқеадан кейин орадан кўп ўтмай тасодифан томига қичқанида сандик ичиди ўлиб ётган учта қаптар полапонини кўриб, ижирганиб тушиб кетганди. Энди ўшанда у адашган-адашмаганини билишга шошилаётганди. Нўмон ака қўллари титраб, олдин ўзи қўрган сандикда бетартиб ётган, қарийб туклари тушиб кетган жониворнинг терисини ушлади-ю, беихтиёр бақириб юборди. Улиб ётган мушук болалари эди! Нўмон ака нима қилиб қўйганини энди тушуниб етди.

...Нўмон ака таъзияга келганларнинг оёғи узиллиши билан ҳеч кимга билдирмай, қудасиникига йўл олди. Дабдурустдан азали одамни тунда кириб келишидан бироқ каловланган қанда гап нимада эканини билган, сал очилди.

— Нон синдирилгандан сўнг тўйни чўзиш яхшиликка олиб келмайди, — деди Нўмон ака, — шунинг учун тўйни тезлаштирсак, нима дейсиз?

— Э қудажон, ишқилиб, мусибат бўлмасин, илоҳим айтганингиздек тўйдан бошимиз чикмасин, — деди қудаси янаям очилиб, — аммо мана бу нохушлиқлар туфайли сабр қилиб турибман.

— Йўқ, қуда, тўй ҳам, аза ҳам ўзимизники, — деди Нўмон ака, — шундай экан, тўйни артага бошласангиз ҳам мен рози.

Хуллас, Ёдгорнинг қирқи чикши билан даранг-дурунгсиз Шоҳидани қўшни қишлоққа узатиб олиб кетишди.

Нўмон ака қарғиш ўрган бу уйдан қизини эсон-омон чиқариб қорғонидан хурсанд эди.

Тўйдан сўнг бир неча кун ўтиб, қўеви келди:

— Қизингиз Ёдгорнинг ўлимига қаттиқ қайғурган шекилли, ҳар хоҳлини гир айланчи югуришга тушди. Қўни-қўшни уни тўхтатишга қўриқчи топилмаганча, но-илож бир амаллаб йикитишди. У бир гапни тинмай жаврарди: «Мен билмай болаларимнинг қўлини чопиб ташладим, энди нима қиламан...»

— Ота, мен сиздан маслаҳат сўраб келдим, — деди у одоб билан, — қизингиз ўша-ўша, ўзараш йўқ. Шоҳфорлар касали йўқ, дейишди. Уни шаҳарга олиб борсам, ўша ерда кўзи ёрса, яхши бўлармикан, деган фикрдаман.

— Очирок гапиринг қув, яна ўша қора мушукми? — деди Нўмон ака.

— Ота, яна ўша гап, — деди қўеви.

Шу тариха қувё шаҳарга ма-лака ошириш баҳонасида жўнаб кетаркан, Шоҳидани ҳам бирга олиб кетди. Аммо қисматдан қочиб қутулишининг иложи йўқ экан. Шоҳида кўзи ёришига бир неча кун қолганда бахтсиз тасодиф туфайли ҳаятдан кўз қўришди. Кейинчалик маълум бўлишича, қора мушукнинг изидан бориб, электр трансформаторларига турган жойга кириб қолган экан.



Шундан сўнг Нўмон ака тезроқ уйни сотиб, қўчиб кетишга астойдил киришди. Дастлаб сўндан қичиб кетган сигирни сирт-моқчи бўлиб, бозор кўни азонлаб сигир етаклаб чиқди. Арқонининг бир учини белига боғлаб йўлга тушди. Бир пайт қаёқдан-дир пайдо бўлган оқ автомашина-нисидан ҳарқиб кетган сигир кўч бермай, эгасини қўшнинг ўртасига судраб чиқди. Нўмон ака машина тилдирачларига тағига турди. Халокатга гувоҳ бўлган одамлар бахтсиз ҳодиса рўй берган жойда оқсоқ қора мушукни кўрганини...

Воқеа шу ерда етганда сўхбатдошим ҳикоясини якулади.

— Бу дунёда инсон фақат яхши амаллар қилиш учун келган, — деди отахон, — одам у ёқда турсин, ҳатто жонивор ҳам озор бермаслик керак. Акс ҳолда жазо тикилиб турган мушукни аниқ кўрди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! Барчангизни «Асака» давлат акциядорлик банки жамоаси ЭНГ аЗИЗ, ЭНГ улуг айём - Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака тилайди. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



Mutolaa ДОЛЗАРЪ МАВЗУДАГИ ТАДҚИКОТ Мустақиллик Ўзбекистон тарихини янги тараққийёт босқичига олиб чиқди. Бугун бизнинг ўз олдимишга қўйган улуг мақсадимиз барқарор иқтисодийётга асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Айни шу мақсад-муддоа Инсон омилга улкан эътиборни тақозо этади.

Jinoyat va jazo ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ Суд очерки

ИНСОН ВА ҚОНУН Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ИНСОН ВА ҚОНУН МУАССАСА: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

ТАҲРИР АТРОФИ: Бўристон МУСТАФОВ, Икhtiёр АБДУЛЛАЕВ, Пулнат САМАТОВ, Маважуд РАҲАБОВА, Хуришди СОДИҚОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНЗАРОВ

Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳаҳмида, офсет усулида «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.